



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 122 (12.183)

Баҳоси эркин нархда



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Шу йил 19 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. 20 июнь куни байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг мазкур қарор ижросини таъминлашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, республика вазирлик ва идоралари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия раиси Ш.Мирзиёев бошқарди.

Қарорда таъкидланганидек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилган улкан янгиланишлар, одамларимиз, аввало, ёшларимизнинг оғу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги юксалиб, Ватанимизнинг кудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани халқимиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган мустақиллик самарасидир.

Комиссия мажлисида ана шу муқаддас байрамга муносиб тайёргарлик кўриш ва уни халқимиз ҳаётида ёрқин из қолдирадиган даражада ўтказиш, юртимизда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, байрамга тайёргарлик ишларини аниқ тизим асосида ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қарорга мувофиқ, «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деган ғояни ўзида муккасман этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда амалга ошириш бўйича ҳар бир вилоят ва ҳудуд, вазирлик ва идоралар, меҳнат жамоалари, нодавлат ташкилотлар, маҳалла идоралари олдида турган вазифалар кўриб чиқилди.

Бу борада шаклланган ижобий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари Мустақиллик байрамини муносиб нишонлаш учун тегишли комиссиялар тузиши ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам арафасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб бориш билан боғлиқ масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Комиссия йиғилишида Тошкент шаҳрида ва жойларда ўтказиладиган байрам тадбирларига оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган мутахассислар, ижодий гуруҳлар, танкили олимлар, ижодкор зиёлилар, жамоатчилик вакиллари кенг жалб этиш ҳақида фикр юритилди.

Мажлисида байрам тадбирларини юзакилик ва баландпарвозликка йўл қўймасдан, одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган жонли ва таъсирчан шаклларда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎзА)

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ички ишлар вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг ички ва ташқи ишлар, маданият ва спорт, меҳнат ва ижтимоий муҳофаза каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, ҳукуматларо комиссия хамраиси Мирқомил Мирфайзиев Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўллаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда ички давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонда тинчлик, дўстлик ва миллатлараро тотувлиқни мустақамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳлиноқ яшаб, юртимиз тараққиёти йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Турли миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш доимий эътиборда. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган «Ўзбекистон — Германия», «Германиядаги Ўзбекистон» дўстлик жамиятлари, Ўзбекистон немисларининг «Видергебурт» маданий маркази халқларимиз ўрта-

Тошкентда Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган немис миллатига мансуб фуқаролар масалалари бўйича Ўзбекистон — Германия ҳукуматларо комиссиясининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.

сидаги дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Тадбирда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой, Германия Қизил хоч, Германия техникавий ҳамкорлик жамиятлари ҳамкорлигининг амалий ифодаси бўлмиш тиббий-ижтимоий марказлар Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли миллатлар вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётгани таъкидланди. Хусусан, 2011 йилда бундай марказлар томонидан тўққиз мингга яқин аҳолига, жумладан, тўрт ярим мингга яқин немис миллатига мансуб фуқароларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатилган.

Мажлисида томонлар Ўзбекистонда истиқомат қилувчи немис миллатига мансуб аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий, тиббий-ижтимоий марказлар фаолиятини янада тараққий эттириш, ўзаро маданий, илмий, маърифий ва техник ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

— Ўзбекистонда миллатлараро тотувлиқни таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни жуда қадрлаймиз, — деди ЎзА мухбирига Германия Федератив Республикаси Федерал ҳукуматининг кўчиб ўтганлар ва кам сонли миллатлар масалалари бўйича вакили, Ички ишлар вазирлигининг парламент томонидан давлат қотиби, Бундестаг депутаты, комиссия хамраиси Кристоф Бергнер. — Ўзбекистонда миллий маданий марказлар фаолияти кенг йўлга қўйилгани турли миллат вакиллари, маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда немис миллатига мансуб фуқароларга жамиятнинг муҳим вакиллари сифатида қаралиши, уларнинг урф-одат ва анъаналари юксак қадрланиши бизни жуда қувватлади. Немис миллатига мансуб фуқаролар раванги учун кўрсатилаётган улкан эътибори ва ғамхўрлиги учун Ўзбекистон раҳбариятидан миннатдор-миз.

Нодира МАНЗУРОВА

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси томонидан давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш ва уларни келгусида тасарруф этиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Ўзбекистонда давлат объектларининг хусусийлаштириладигани натижасида иқтисодиётда давлат монополиясига барҳам берилди ва янги мулкдорлар синфини шакллантириш имкони яратилди. Хусусийлаштиришнинг давлат мулки ва корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга

қаратилган янги босқичга ўтиш корхоналарни хусусийлаштириш ва хусусийлаштиришдан кейин ривожлантириш жараёнини тартибга солуви ҳолатида қўмитанинг таъминлаштириш талаб этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Коллеж-битирувчи-корхона

ИНТИЛУВЧАН ЁШЛАР

Фарзандининг камолини, илм олиб, касб-ҳунар ўрганиши, ҳаётда ўз йўлини топишни кўриш ота-онанинг орзуси. Бу оила мустақамлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ҳар бир ўғил-қизнинг касб-ҳунар эгаллаб, аниқ ташқилига эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилаётгани замирида ана шундай эзгу мақсадлар мужассам.

Касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда. Бунда коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўтатиш ва келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартнома тузиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётди.

Бунди Тошкент меҳмонхона ҳўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчилари мисолида ҳам кўриш мумкин. Айтиш жоизки, коллежнинг 2010 йилда фойдаланишга топширилган янги биносига ўқувчилар чўқур билим олиши, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши ва амалиёт ўтатиш учун барча шарт-шароит яратилган. Шу боис мазкур таълим даргоҳини битириб чиқаётган маънавий кадрларга талаб юқори.

— Коллежизмда меҳмонхона ва ресторан хизматлари менежерлари, ошпазлар тайёрланади, — дейди Тошкент меҳмонхона ҳўжалиги касб-ҳунар коллежи директори Рўзимурод Ғоипов. — Ўтган йили туристик хизматлар ташкилотчиси факультети очилди. Бу билан коллежизмда сайёҳлик соҳаси учун комплекс кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Зеро, бу соҳа нафақат туристларни жалб этиш, балки уларни қўтиб олиш, меҳмонхонага жойлаштириш ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш билан боғлиқ ишларни ҳам ўзига қамрайди. Ушбу

йўналишларни пухта ўрганган мутахассис, ўйламанки, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўша олади.

Коллежнинг меҳмонхона ва ресторан хизматлари менежери факультетида меҳмонхона маъмури, брон қилиш бўйича агент, хоналар бўйича менежер, бармен, официант тайёрланса, ошпазлик йўналишида миллий, хорижий ва парҳез таомлар, қандолатчилик, нововойлик ўргатилади. Туризмга иқтисослашган янги йўналишда турагент, туроператор, экскурсовод, сайёҳлик бўйича гидлар тайёрланади.

Жорий йилда коллежни 203 нафар ўқувчи битирмоқда. Уларнинг барчаси ўз эгаллаган касби, ҳунари бўйича ҳозирда қўлдан тайин иш жойига эга.

— Коллежизмда ўқиш билан бирга амалиётнинг ўйғун олиб борилиши касб сирларини чўқур эгаллашмизга катта ёрдам берди, — дейди Сергей Аҳмедов. — Шу боис пойтахтимизнинг кўзга кўринган меҳмонхона ва ресторанларига бориб амалиёт ўтаганимизда қийинчиликка дуч келмадик. Аксинча, қўлчилигимиз уларнинг тақлифига биноан ишга жойлашганимиз. Менинг ўзим охириги курсда ўқиш давомида «Гранд мир» меҳмонхонасида фақат амалиётчи эмас, балки ходим сифатида ҳам фаолият юритдим. Яқин кунларда дипломимни қўлимга олиб, шу меҳмонхонада ишини давом эттираман.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқандда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари бадий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида «Барҳаёт анъаналар» фольклор фестивали ўтказилди. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур танловда ҳудудий босқичлар ғолиблари иштирок этди. Уларнинг бадий дастурлари ва қўшиқлари мазмунини асосан буюк неъмат — мустақиллиқни, бой тарихимиз ва анъаналаримизни қадрлаш, ўқувчи-ёшларни миллий истиқлол ғоялари ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мавзулари ташкил этади.

• Учқудуқдаги «Суннатжон Дўст» хусусий корхонасида 80 миллион сўмлик модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Натижада бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати янада яхшиланди, ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Муҳими, 10 нафар қиз ишли бўлди. Айни пайтда туманда иш билан банд аҳолининг 50 фоизи хотин-қизлар бўлиб, улар асосан, қончилик, машинасозлик, тиббиёт, таълим ва бошқа йўналишларда меҳнат қилишмоқда.

• Янгибозор туманидаги Бошқиршиқ қишлоғида тадбиркор Баҳодир Сафарбоев томонидан банкнинг 90 миллион сўмлик кредити эвазига қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу цехда айни пайтда 10 киши меҳнат қилмоқда. Улар ойига бир тоннадан ортиқ 5 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариб, ички бозорга етказиб беришаётди. Таъкидлаш жоизки, туманда йил бошидан бўён 20 та кичик бизнес субъекти ишга туширилиб, 200 га яқин иш ўринлари яратилди.

ЖАҲОНДА

• Хитойда корпуси ва клавиатура панели бамбукдан тайёрланган портатив компьютер ишлаб чиқарилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Мазкур компьютер бошқаларига нисбатан экологик жиҳатдан анча хавфсиздир. Статистик маълумотларга қараганда, Хитойда ҳар йили беш миллиондан ортиқ эскирган компьютер қайтадан таъмирланади ва фойдаланишга топширилади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу кўрсаткич яқин беш йил ичида 25-30 фоиз ўсасди.

• Халқаро космик станция фазогирларига Япония миллий ошхонасининг қарийб ўттиз хил таоми юборилади. Маълумотларга қараганда, Япониянинг миллий аэрокосмик агентлиги саралаб олган овқатлар менюсидан сув ўтларидан тайёрланган шўрва, лағмон, гуручли нон, балиқ, ҳатто ширинликлар ҳам жой олган. Хабарларга кўра, агентлик фазога олиб кетиладиган овқатларни икки хусусиятига қараб танлаб олган: улар хона ҳароратида йил мобайнида яхши сақланиши ва вазнисизлик ҳолатида тўкилиб кетмаслиги лозим.

• Франциядаги Жюль Шере номидаги тасвирий санъат музейидан номаълум шахслар томонидан тўртта қимматбаҳо сурат ўғирланди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, иш вақтида музейга бостириб кирган жиноятчилар ходимларни кўрқитиб, Брейгель, Сислей ва Моне мўйқаламига мансуб ноёб асарларни олиб қочган.

• Америкалик олимлар одамнинг ёшини пастки жағининг тузилишига қараб аниқлаш мумкин эканини таъкидламоқда. АҚШ пластик жарроҳлар жамияти мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида пастки жағнинг вақт ўтиши сайин катталашиб, квадрат шаклига айланиши аниқланди. Хабарларга қараганда, одамдаги айнан шу аъзо ёрдамида юзида ажинлар ва бошқа кексалик аломатлари бўлмаган кишининг ҳам ёшини аниқлаш мумкин. Соҳа мутахассисларининг фикрича, жағ қанча кичик бўлса, инсон шунча ёш кўринади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Маънавий тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими томонидан 39-оилавий поликлиникада уюштирилган тадбир «Мустаҳкам оила йили»-

га бағишланиб, «Оила жамият устун» деб номланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Марказий банки ҳамда «Fitch reytings» халқаро рейтинг агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган халқаро амалий анжуманда Банклар ассоциацияси, тижорат

банкларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси тингловчиларининг бити-

рув маросими ўтказилди.

✓ **ОЛМАЗОР** туманидаги «Истиқлол» спорт мажмуасида 11-12 ёшли ўсмирлар ўртасида республикамизнинг барча маҳалла жамоалари иштирокида «Футболимиз кубоги» спорт мусобақасининг республика босқичи бўлиб ўтди.



МАСЪУЛИЯТЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнги хавфсизлиги олий техник мактабида навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди.

Сир эмаски, ёнги хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимига ёнги хавфсизлигини таъминловчи малакали, етук кадрларни етказиб беришда Ички ишлар вазирлиги Ёнги хавфсизлиги олий техник мактаби алоҳида ўрин тутаяди.

Бугун олий даргоҳ курсантлари учун энг қувончли кун. Улар олий маълумот тўғрисидаги диплом ва дастлабки офицерлик унвонига эга бўлиб, амалиёт идораларига кузатилмоқдалар.

Мазкур олий ўқув юртида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарлиги, битирувчиларнинг ота-оналари, дўсту ёрлари, Ёнги хавфсизлиги олий техник мактаби профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва курсантлари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазир генерал-лейтенант

Б.Матлубов битирувчиларга мурожаат этиб, уларни ушбу олийгоҳда олган билимларига таянган ҳолда, халқимизнинг оғирини енгил қилиш, улар бошига қулфат тушганида яқиндан ёрдам бериб, моддий ва маънавий бойликларини ёнги балосидан сақлаб қолиш, энг асосийси, инсонлар ҳаётини асрашдек масъулиятли вазифаларини сидқидилдан адо этиб, ёнги ўчирувчи деган шарафли номларига гард юктирмасликка, бу касб эгаси эканликларидан фахрланишга чакирди.

Ҳар бир ёш лейтенант қўлига дипломини олар экан, ўқтам овозда «Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!» дея ваъда берди. Уларнинг бу сўзлари замирида улкан самимият сезилиб турарди.

Ота-оналар номидан сўз олган битирувчи Дилшод Муродовнинг онаси Азиза Муродова ёш лейтенантларни ҳаммаша мард, ҳалол, фидойи

бўлишга, хизмат бурчига, она Ватанга содиқ қолишга чақирди.

Шунингдек, аъло баҳолари ва намунали хулқи билан ибрат кўрсатган битирувчиларни рағбатлантириш ҳақидаги мактаб бошлигининг буйруғи ўқиб эшиттирилиб, унга кўра аъло битирувчиларнинг ота-оналарига «Миннатдорчилик хатлари» топширилди.

Тантананинг расмий қисми тугагач, ота-оналар ва бошқа ақинлари битирувчиларнинг истиқболи томон ошқичди. Кимдир қувончдан йиғлаган, кимдир яйраб қулган, яна кимдир яқин инсонига гул совға қилган. Тадбир қатнашчиларига ИИБ Ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонанда ва раққосалари иштирокчида концерт дастури намойиш этилди.

Шахло БАБАЕВА,
ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш инспектори
Абу Кенжаев олган сурат

«Уникон.Уз» давлат унитар корхонаси ҳузурида навбатдаги «Алоқа ва ахборотлаштириш муаммолари» мавзuida бирлашган илмий семинар ташкил этилди. Ўтган қисқа вақт ичида семинар доирасида уюштирилган мажлисларда ўнга яқин номзодлик диссертация ишлари муҳокама қилинди.

Фан

АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Шунингдек, нашрга тайёрланган илмий мақолалар, бажарилган тадқиқотлар ҳақида ҳисоботлар тайёрланди.

Илмий мақолалар сифатини ва моҳиятини ошириш, яратилган ишланмаларни такомиллаштириш ҳақида тавсиялар бериб ўтилди. Улар «Ахборот-коммуникациялар: Тармоқлар-технологиялар-ечимлар» журналича чоп этишга тавсия этилди.

Илм-фан тараққиёти жамият ривожини олға силжитувчи куч ҳисобланади. Тошкент Молия институти олимлари ҳам «Бозор муносабатларини тартибга солишини молия-кредит механизмлари» муаммоси устида тадқиқотларга қўл уридилар. Шу билан бирга фан ва техникага оид грантларда фаол иштирок этиб келмоқдалар.

ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАРГА ҚЎЛ УРИЛДИ

Олий ўқув юрти олимлари халқаро дастурлар доирасида чет мамлакатларда малака ошириб, «Илм-фан маслаҳат» ўқув маркази йўли билан янги режалар ишлаб чиқдилар.

ИЛМий ИШЛАРГА ПАТЕНТЛАР

Ўзбекистон Миллий университети олимлари ҳам «Фан ва технологиялар маркази» томонидан эълон қилинган мавзулар танловда фаоллик кўрсатдилар.

Натижада 100 га яқин илмий мавзу 7 та инновация бўйича грант соҳиби бўлинди. Айни вақтда 30 дан ортиқ илмий-тадқиқот ишлари патентлаштирилди.

Ақбар АЛИЕВ

Мамлакатимизда кейинги йилларда рақобатбардош юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бунинг асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, кишиларнинг даромадлари ва фаровонлиги даражасини ошириш борасида кенг қўламли ишловлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

ИЗЧИЛЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Айни пайтда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юкни камайтириш, солиқларни унификация қилиш ва солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига қўмаклашиш ва уларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ўз мазмун-моҳияти, ҳўжалик юритувчи субъектларга жорий этилган имтиёзлари ҳамда преференциялари бўйича ривожланиш сари ташланган катта қадам бўлди. Зеро, бу қарор мамлакатимиз корхонала-

рида юқори сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Қарорга кўра, белгиланган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бюджетта тўланиши лозим бўлган фойда ва мол-мулк солиғи, ягона солиқ тўлови, республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан 2012 йилнинг 1 январига қадар озод қилинган эди.

Республикамиз Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги қарорига кўра белгиланган имтиёзлар 2014 йилнинг 1 январигача бўлган даврга узайтирилди.

Албатта солиқ борасида берилган қатор заворли имтиёзлар мамлакатимизда рақобатбардош, юқори сифат-

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралдаги «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори мамлакатимизда оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу билан биргаликда унинг ҳуқуқий муҳофазасига доир ишларнинг кенг қўламада амалга оширилишига дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Дастурда белгилаб қўйилган вазифаларни тўлақонли бажариш мақсадида миллий қонунчилигимизда ҳам салмоқли ўзгаришлар юз бермоқда. Жумладан, жорий йилнинг 26 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунга қадар миллий қонунчилигимизда оилавий корхоналар фаолиятини тартибга солувчи, уларни ҳуқуқий муҳофаза қилишга доир қонун даражасидаги ягона норматив ҳужжат мавжуд эмас эди. Қонун 7 боб, 35 моддадан иборат бўлиб, унда оилавий тадбиркорликка оид асосий тушунчалар, корхона ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби, таъсисчиларга қўйилган асосий талаблар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, устав фонди, солиққа тортилиш хусусиятлари ва шу кабилар ўз ифодасини топган.

Ушбу қонунда оилавий тадбиркорликка қўйиладиган таъсисчиларга «Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир. Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлигининг ташкилий-ҳуқуқий шакли оила-

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА УНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

Юридик шахс ташкил этилмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади». Қонунда бевосита кўрсатиб ўтилганидек, оилавий тадбиркорликнинг амалга ошириш истагида бўлган шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона сифатида белгилаб олади. Оилавий корхона ташкил этган шахс ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳуқуқига эга, бироқ умумий тартибга кўра ҳодимларнинг йиллик сони улар амалга оширадиган фаолият йўналишига боғлиқ ҳолда 25 ёки 50 кишидан ошмаслиги лозим. Корхона иштирокчиси бўлиш учун ҳам бир неча талаб белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, оила бошлиғи, унинг хотини ва бошқа қариндошлари корхона иштирокчиси сифатида иштирок этади. Давлат органларининг мансабдор шахслари, муомалага лаёқатсиз шахслар иштирокчи бўла олмайди. Бир шахс бир вақтнинг ўзига иккита корхонанинг иштирокчиси бўла олмайди.

Халқ бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан шуғулланадиган оилавий корхона ягона солиқ тўловларидан озод қилинади. Корхона ташкил этилганидан сўнг дастлабки уч йил ичида унинг молиявий-ҳўжалик фаолияти режали текширувдан ўтказилмайди ва улар фаолиятини текшириш ҳар тўрт йилда бир мартаба амалга оширилади. Бу ҳам янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши — юртимиздаги оила-ларнинг турмуш фаровонлигини ошириш билан бирга, ривожланган давлатлар каторидан жой олишга астойдил интилаётган Ўзбекистонимизнинг келгусида амалга оширилажақ улкан мақсадларига юқори савияда замин яратишга хизмат қилади.

Абдорбек ФОЗИЛОВ,
ТДЮБ талабаси

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ОДИМЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майда қабул қилинган «Давлат мулки объектларидан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бўш ётган ва фойдаланилмаётган давлат объектларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш учун айрим яроқсиз объектларни бузиш, уларни очик савдолар орқали хусусийлаштириш ёки инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш орқали «нолинчи» харид қиймати бўйича сотиш, шунингдек, улардан турар жой сифатида фойдаланиш мақсадида реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Хусусан, бўш ётган ва фойдаланиш учун яроқсиз бўлган 414 та давлат мулки объектини белгиланган тартибда бузиш кўзда тутилган. Шунингдек, 532 объектнинг очик савдоларга қўйиш йўли билан хусусийлаштириш ва 47 объектни инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан нолинчи қиймат бўйича сотиш назарда тутилмоқда. Бўш ётган 47 та қўп қаватли объект тадбиркорлик субъектлари томонидан реконструкция қилинади ва аҳолига уй-жой сифатида сотилади. Уларнинг 20 фоизи вояга етган етим болалар ва вафот этган ҳарбий хизматчилар фарзандларининг ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш учун туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари тасарруфига берилади. Бундан ташқари, 147 та бўш ётган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан янада самарали фойдаланиш кўзда тутилган.

Қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарасида техник ва технологик янгилаш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва шу асосда рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини оширишга эришиш кутилмоқда.

Матбуот анжуманида Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш, уларнинг ошқоралигини таъминлашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларини амалга ошириш».

Танловга Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қўлидаги йўналишлардаги лойиҳалари қўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— ёшларни эркин фикрлаш, мустақил позицияга ва қатъий ишончга эга бўлиш руҳида тарбиялашга қаратилган ижтимоий шерикликни кучайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

— ёшларнинг эҳтиёж катта бўлган касбларга эга бўлишларига қўмаклашиш, кичик шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида яшаётган ёшларни, олий ўқув юртилари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини иш билан таъминлаш;

— истеъдодли ва иқтидорли ёшларни илмий йўналишдаги фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини тўла ишга солишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

— ёшларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларининг ҳурмат қилиш, мамлакатимизнинг бой тарихий меросини авайлаб-асраш руҳида тарбиялаш;

— ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи тамойилларини сингдириш, уларни гийҳхандлик, ахлоқсизлик каби унсурлардан, четдан кириб келаётган «омамавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш.

Танловда қатнашиш учун қўлидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги қузатув хати.

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси.

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тасвияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Витта лойиҳа учун ажратиладиган грант микдори — 15 миллион сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар 2012 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** томонига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

ИНТИЛУВЧАН ЁШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Коллежни 2011 йилда тугатган Владимир Цумент ҳам ўз йўлини топган ёшлардан. У Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Pata-tuy» ресторанида ошпазлик қилиш билан бирга Тошкент кимё-технологиялари институтининг озиқ-овқат sanoati факультетида таҳсил олмоқда.

Коллеждаги кенг шарт-шароит, битирувчиларнинг эришарган муваффақиятлари умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатаётган ёшларни ҳам бефарқ қолдирмаётди. Жорий йилда мазкур коллежга 270 нафар ўқувчи қабул қилинади. Хозиргача бу ерга ҳужжат топширган талабгорларнинг сони олти юздан ошган. Чунки, мамлакатимиз туризм салоҳиятини юксалиб бораётгани мазкур соҳага ёшларнинг қизиқишини тобора оширмоқда.

— Бизга таклиф этилаётган мутахассисликларни ҳар томонлама ўрганиб чиққанмиздан сўнг, туристик хизматлар ташкилотчиси йўналишини танладим, — дейди ЎЗА мухбирига Мирзо Улуғбек тумани 112-мактаб битирувчиси Гўзал Анвархонова. — Келажақда туроператор хизмати кўрсатиш бўйича тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман.

Ёшларимиздаги бундай узоқни кўзлаб, пишшиқ-пухта иш юритиш, улкан иштиёқ улар учун барича соҳаларда зарур шарт-шароит яратиб берилаётгани самарасидир.

Н.АБДУРАИМОВА

Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган касаб уюшмаси қўмитаси томонидан «Адолат» социал демократик партияси, Бектемир туман ҳокимияти билан ҳамкорликда «Ўзбекистон барқарор ривожланиш йўлида» мавзусида «Маънавият соати» йўналишида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия вакиллари, Бектемир туманидаги корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари, касаб уюшмаси раислари ва фаоллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган касаб уюшмаси қўмитаси раиси, Бектемир туман мувофиқлаштириш кенгаши раиси Шерзод Жўраев ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз пойтахтни обод этиш, истиқболда унинг Эски шаҳар қисмини реконструкция қилиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Бугунги кунда бу ишларни амалга ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасида комиссия ташкил этилиб, амалий ишлар бошлаб юборилди. Энг муҳими, сессияда Президентимиз томонидан барча фаолларга янги вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур вазифаларни келишув асосида ҳокимликлар, сиёсий партиялар билан ҳамкорликда амалга ошириш мақсадида, туманларда жойлашган бошланғич касаб уюшма ташкилотлари раисларини жалб этган ҳолда, туман мувофиқлаштирувчи Кенгашлари тузилиб, уларнинг фаолияти бошлаб юборилди.

Ҳар бир туманда мувофиқлаштирувчи Кенгашларининг тузилиши туманлар ҳокимликларининг касаб уюшмалари билан жойларда «Маънавият соатлари»ни ўтказиб, унда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ва амалга оширилган кенг қўламли ишхотларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, ташкилотларда касаб уюшмалари билан жамоа шартно-

Маънавият

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА ДАВРА СУҲБАТИ

маларини имзолаш, иш жойлари аттестациясини ўтказиш, «Усто-шогирд» усулини кенг жорий этиб, ўқувчиларнинг корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташлари мониторингини олиб бориш ва бандлигини таъминлаш каби қўлаб ҳайри ишларни амалга оширишга кенг имкониятлар очиб беради.

Давра суҳбатида «Барқарор ривожланиш жараёнларида қонунчиликнинг ўрни» мавзусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Собир Турдиев, «Глобаллашув шароитида юзага келатган маънавий таҳдидлар ва ёшлар» мавзуси-

да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори, сиёсий фанлар доктори Саидхон Саидолимов, «Ёшлар тарбияси, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни тартибга солиш — давр талаби» мавзусида туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Зиёда Тоҳирова, сиёсий фанлар доктори Фазлиддин Равшанов, пойтахтимиздаги ва тумандаги маҳалла ва гузарларда ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари тўғрисида туман ҳокими ўринбосари Абдуҳалил Эрматовлар маъруза қилдилар.

Давра суҳбати давомида сиёсий савияни юксалтириш, глобаллашув шароитида маънавий қадриятларини авайлаб-асраш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ташаббускорлик ва тадбиркорлик хислатларини ўстириш борасида ҳокимият идоралари, вазирликлар, касаб уюшмалари, мутасадди ташкилотлар, партиялар, таълим муассасалари, маҳалла тузилмалари ва уларнинг фаоллари иштирокини кучайтиришнинг нечоғлик долзарблиги қизгин баҳс-мунозаралар асосида муҳокама қилинди.

Иштирокчилар аҳоли, айниқса ёш авлод дунёқара-шининг шаклланиши ва ривожланишида ҳуқуқий, маънавий-маърифий, сиёсий, айни вақтда тадбиркорлик ва ташаббускорлик маданиятини юксалтиришда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси барча лоқайдликларга барҳам бериб, фаол иштирок этиши лозим, деган яқдил хулосага келдилар.

Даврон НУРМУҲАМЕДОВ

Қарор ва ижро

ТРАВМАТОЛОГИЯДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Тошкентда травматология ва ортопедиянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олим ва шифокорлари, шунингдек, Германия, Швейцария, Россия, Австрия, Украина, Беларусь, Озарбойжон, Қозғистон сингари давлатлардан мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари А.Алимов, Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти директори М.Азизов ва бошқалар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар аҳоли саломатлигини муҳофазалашда юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янги bosқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлаётди.

Мамлакатимизда травматология ва ортопедия соҳасида ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари жаҳон андозаларига мос ташкил этилган. Бу борада Республика травматология ва ортопедия илмий текшириш институти самарали фаолият кўрсатмоқда. Институт олимлари суяк ва бўғим касалликларига таъхис қўйиш ва даволашда жаҳон миқёсида қўлланилаётган замонавий технологиялардан кенг фойдаланмоқда. Компьютер ва магнит резонанс терапия, ультратовуш таъхис воситаси, йирик бўғимларни эндопротезлаш, транспедикуляр фиксация, остеосинтез каби диагностика ва даволаш усуллари шулар жумласидандир.

Институт клиникасида ҳар йили қарийб етти минг нафар беморга тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, йигирма беш минг нафар беморга масlahат-таъхис хизмати, фавқулодда вазиятларда жароҳат олган ўттиз беш минг нафар беморга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилади.

Остеопороз, сколиоз касалликлари, умуртқа жароҳатларида диагностика ва даволашнинг янги услубларини яратиш соҳанинг долзарб муаммоларидандир. Бу йўналишда илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда хорижий илмий-тадқиқот институтлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ўз самараларини бераётди. Сон суюги бўйинчасидаги жароҳатларни даволаш бўйича Австрия олимлари билан амалга оширилаётган илмий лойиҳалар бунга мисолдир.

Ўзбекистонда травматология ва ортопедия соҳасида юксак илмий-амалий таъриба шаклланиб, — дейди ЎзА муҳбирига Австрия остеосинтез ассоциацияси президенти, профессор Карл Бауэр. — Ўзбек олимлари таянч-ҳаракат тизимлари жароҳатлари ҳамда касалликларини даволашда қўлаб янги усуллари яратганлар ва улардан амалда самарали фойдаланишмоқда. Шунингдек, жаҳон тиббиётининг мазкур йўналишдаги долзарб муаммоларини чуқур ўрганиш мақсадида қўлаб ҳалқаро илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ёш ўзбек олимларининг ҳам фаол иштирок этаяётгани нафақат мамлакатингиз, балки жаҳон илм-фани ва тиббиётининг раванглига хизмат қилади.

Анжуманда травматология ва ортопедиянинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, суяк ва бўғим жароҳатлари ҳамда касалликлариди замонавий жарроҳлик усуллари ва уларни қўлаш самаралари, остеосинтезнинг янги усуллари, умуртқа жарроҳлиги масалаларига оид маърузалар тинг-ланди.

Б.ХИДИРОВА

Шаҳримиз маҳаллаларида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг камолоти йўлида самарали саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Маҳалла

ЁШ ИҚТИДОРЛАРГА ЭЪТИБОР

кўрсатиб ўтдилар, шунингдек, камчиликларини ҳам таҳлил қилиб, ўз ўғит-масlahатларини бердилар. Ўз устида пухта ишлаб борса, келгусида яхши дизайнчи-мусаввир чиқиши мумкинлигини таъкидлаб ўтдилар.

Маҳалла фаоллари Мустаҳкам оила йилида юқоридаги каби истеъдодли ёшлар келажаги йўлидаги бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туришга келишиб олдилар.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Таълим


КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРГА БОЙ МАСКАН

Тошкент Темир йўл муҳандислари институти мамлакатимизнинг энг илғор таълим масканларидан бири ҳисобланади. Хусусан, институтда йўлга қўйилган янги таълим йўналишлари, ўқитувчиларнинг етуқ билим ва салоҳиятга эга эканлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

Профессор, доцент, ассистент, катта ва кичик ўқитувчилар маъруза ва амалиёт машғулотларида ўзларининг таърибаларига таяниб талабалар учун билим дунёси эшикларини очдилар.

Институтимизда талабалар учун мунтазам равишда турли тадбир ва анжуманлар ўтказиб турилади. Бу учрашувларда ўз касбининг етуқ ва фидойи мутахассислари билан бугунги куннинг энг долзарб мавзулари ҳақида фикрлар алмашинади. Масалан, ҳар чоракда бир марта талабаларни касб маънавияти ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКга қарашли корхона ва ташкилотларда ишлаётган таърибали мутахассислар иштирокида «Касб маънавияти» мавзусида мулоқот ва савол-жавоб кечалари ўтказилади. Шу йилнинг май ойида талабалар ўртасида ўзи танлаган касбининг сир-синаотлари ва жамият ҳаётида тутган ўрнини бойитиш мақсадида меҳнат ва касбга оид фотокўргазмалар ташкиллаштирилди. Бундан ташқари, талабаларда касб маънавиятини шакллантириш ва таърибага эга мутахассислар фаолияти ҳақида тушунарлар ҳосил қилиш мақсадида талабалар ва фахрийлар ўртасида «Икки авлод учрашуви», «Касб фаолияти сабоқлари» тадбирлари ўтказилди. Айтиб ўтиш жоизки, бундай учрашувлар ёш авлодни меҳр-муруват руҳида тарбиялаш, уларнинг бой касбий ва ҳаётий таърибаларидан божабар бўлишга, эзгу анъаналар, маданий-маърифий қадриятларнинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Талабаларнинг фундаментал фанлардан билимларини бойитиш мақсадида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг март ойида талабаларнинг маънавият, тарих, чет тили, математика, физика ва информатика соҳасидаги билимларини бойитиш мақсадида иқтидорли талабалар ўртасида «ЗИЕ» факультетларо интеллектуал танлови ўтказилди. Бундан ташқари, шу йилнинг апрель-май ойларида факультетлар ўртасида «Талабалик баҳори — 2012» анъанавий ёшлар фестивали ташкил этилди. Бу фестиваль талабаларнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги иқтидорларини намойиш этишлари учун им-



кониятлар эшигини очди. Мавжуд 4 та факультет ўртасида бўлиб ўтган мазкур танловда иқтисодиёт факультети талабаларининг чиқишлари ҳар томонлама мақтовга лойиқ деб топилди. Иқтидорли талабаларнинг эришган ютуқларини рағбатлантириш мақсадида юртимизнинг қадимий ва ҳамиша навақирон шаҳри Самарқандга саёҳат уюштирилди.

Шубҳасиз, бундай тадбир ва учрашувлар ёшлар онгига иқобий таъсир қўрсатади. Шу билан бирга, институт талабалари орасидаги ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Шахноза УМАРОВА,

Тошкент Темир йўл муҳандислари институти,
1-босқич талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР




Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.



Кўчмас мулк бозорида 1-сонли ризаторлик лицензиясига эга бўлган "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99899) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланиган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Масlahат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномаар асосида амалга оширилади.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ томонидан кўрсатилмайдиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг! "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!
Лицензия: RR-0001

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Олмазор туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар тақроран қўйилмоқда:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2011 йил 10 августдаги 1-1496/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, 3 та блокдан (2052 кв.м.дан иборат А-БЛОК, 291 кв.м.дан иборат Б-БЛОК, 100 кв.м.дан иборат В-БЛОК) иборат бизнес маркази. **Бошланғич баҳоси — 1 426 684 553 сўм.**

2. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманлараро судининг 2010 йил 24 майдаги 1-1742/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Чилонзор 26-мавзеси, Лутфий кўчаси, 6-уй манзилидаги умумий фойдаланиш майдони 1156 кв.м. бўлган 2 қаватли бионинг 2-қавати.

Бошланғич баҳоси — 377 995 310 сўм.

3. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-036/10 ва 2-037/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 59-уй, 16-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 57,55 кв.м. бўлган уй-жой. **Бошланғич баҳоси — 47 656 645 сўм.**

Аукцион савдолари 2012 йил 11 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати: 2012 йил 9 июль куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. Расмий сайт: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети 10.06.2011 йилдаги 224-1-сонли буйруғи ҳамда университетининг 14.06.2012 йилдаги 4-сонли йиғилиш қарорига асосан, университет тасарруфидидаги Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9а-уй манзилида сақланаётган автотранспорт воситалари тақроран қўйилмоқда.

1. «ГАЗ-31029» русумли, 1996 йил и/ч, д/р 10А1735 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 096 000 сўм.

2. «ИЖ-2715» русумли, 1991 йил и/ч, д/р 10А384 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 656 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 5 июль куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Тақроран ўтказиладиган аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати: 2012 йил 3 июль куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 5 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрорий аукцион савдолари 2012 йил 12 ва 19 июль кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати: 2012 йил 12 июлдаги тақрорий савдолар учун 2012 йил 10 июль куни соат 18:00; 19 июлдаги савдолар учун 17 июль куни соат 18:00.


Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 209933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор туман, 1-Қорақамш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида **«Очиқ эшиклар куни»** ўтказилишини маълум қилади.

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ.



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

XXX ёзги Олимпиада

ЯНА ИККИТА ЙЎЛЛАНМА

Жорий йилнинг 27 июль – 12 август кунлари Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашадиган ўзбекистонлик енгил атлетикачилар сафи яна иккитага кўпайди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан маълум қилишларича, Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида енгил атлетика бўйича ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари – Елена Смолянова ва Сухроб Хўжаев Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритган.

Мусобақанинг ядро улоқтириш баҳсларида Елена Смолянова 17 метр 68 сантиметр натижа қайд этиб, олтин медалга сазовор бўлди. Босқон улоқтириш беллашувида Сухроб Хўжаев 74 метр 20 сантиметр кўрсаткич билан шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Шундай қилиб, Лондон Олимпиадасида 11 нафар енгил атлетикачимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Бунгача Светлана Радзивил, Юлия Тарасова, Анастасия Журавлёва, Александра Котлярова, Гўзал Хуббиева, Анастасия Свечникова, Наталья Асанова, Иван Зайцев ва Рифат Ортиқов Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритган эди.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири

Футбол бўйича Ўзбекистон XXI миллий чемпионати олий лигасининг ўнинчи турида чемпионлик учун курашаётган етакчи жамоаларнинг барчаси очко йўқотди.

Футбол

ПЕШҚАДАМЛАР ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Турнинг Тошкентда ўтган марказий учрашувида амалдаги чемпион – «Бунёдкор» футболчилари иккинчи ўринда бораётган «Насаф» жамоасини қабул қилди. Икки пешқадамнинг ўзаро баҳси кескин ва мурасасиз курашлар остида ўтган бўлса-да, ўйинда ҳисоб очилмади.

Учинчи ўринни эгаллаб турган «Пахтакор» эса Ғузурда «Шўртан» жамоасига 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Мезбонларга ғалаба келтирган голлар Игорь Таран, Ботир Қодирқулов ва Лазиз Убайдуллаев ҳисобига ёзилди. «Пахтакор» жамоасининг ягона жавоб тўпини Аббосбек Махсалиев киритди.

Яна бир эътиборга молик натижа Наманганда қайд этилди. «Навбахор» футболчи-

лари ўз майдонида «Нефтичи» жамоасини кичик ҳисобда енгди. «Локомотив» ҳам пойтахтда ўтган баҳсда «Машъал» дарвозасига жавобсиз битта гол урди. «Олмалик» футболчилари эса сафар учрашувида мусобақа ҳадвалида сўнгги ўринни эгаллаб турган «Бухоро»дан 1:0 ҳисобида устун келди.

Жорий мавсумда кучли ўйин кўрсатаётган «Қизилқум» ўнинчи турга келиб ўз майдонида биринчи марта мағлуб бўлди. Учрашувда «Андижон» вакиллари зарафшонликларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Металлург» эса ўз муҳлислари кўз ўнгиде Самарқанднинг «Динамо» жамоаси устидан 2:1 ҳисобида зафар қучди.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Қилмиш — қидирмиш

НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ
ФОШ ЭТИЛДИ

Ҳар қандай фаолият аввало қонунга зид бўлмаслиги, кейин қонуний асосга эга бўлган тартибларга риоя этилиши зарур. Мисол учун, спирт савдоси билан шуғулланиш бизда қонунан тақиқланади. Уни айланма йўллар орқали юртимизга олиб кириб, давлат рўйхатидан ўтмаган «тадбиркорлар» томонидан савдога чиқарилиши эса икки қарра жиноят.

Сергели туманида истиқомат қилувчи Г.Снатдинова ана шундай ноқонуний тадбиркорлар сирасига қиради. У 2011 йилнинг май ойида 12 дона 1.5 литр ҳажмдаги полиэтилен идишларга қуйилган этил спирти маҳсулотлари, 100 дона қалбаки акциз марка, 100 дона полиэтилен капсула, 100 дона қолқоқларни шахримиздаги «Қўйлик» бозоридан сотиб олиб, яширин цехда қўлбола ароқ тайёрлаган ҳолда бозорда сотиб юборган.

Снатдинова бу каби ишларни кунда-кунора бажариб келган. Унинг наватбадаги шериги терговда шахси аниқланмаган «Любар» исмли аёл бўлиб, бу икковлон қонунга хилоф тарзда «Қўйлик» бозоридан қўлбола ароқ учун хом ашё – спирт, идишлар, акциз маркалари ва капсулалар сотиб олишган ва Қўйлик-5 мавзедаги Снатдинованинг уйига олиб келишган.

Департаментнинг Миробод тумани ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир юқорида номни тилга олинган шахсларнинг жиноий ҳаракатларини фош қилди. Снатдинованинг хонадони ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганида 25 дона 1.5 литр ҳажмдаги жами 37.5 литр полиэтилен идишларда этил спирти, 500 дона қалбаки акциз маркалари, 500 дона полиэтилен капсулалар ва бошқа товар моддий бойликлари топилиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Экспертиза натижасида далилий ашё сифатида олинган акциз маркаларнинг қалбаки эканлиги аниқланди. Қонунбузар Г.Снатдиновага нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра жазо тайинланди.

Хуришд АХМАДАЛИЕВ,
СВОЖДЛҚК Департаменти
Тошкент шаҳар Миробод тумани
катта инспектори

САЛОМАТЛИК — БЕБАҲО
БОЙЛИК

Харакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан ойлиқни юқори савияда ўтказишга қаратилган махсус чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи ёшлар иштирокида «ОИВ/ОИТС нима?», «Репродуктив саломатлик нима?», «Оиладаги соғлом турмуш тарзи», «Шахсий гигиена», «Соғлом ҳаёт келахак пойдевори ва соғлом фарзанд», «Соғлом ота-она ва фарзанд», «Менинг соғлигим менинг қўлимда» «Ичиш ва чекишнинг салбий оқибатлари», «Гийёхвандлик умр заволи», «Наркотик моддаларсиз — соғлом келахак сари» каби мавзуларда соҳа мутахассислари иштирокида учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилаётир.

Ойлик доирасида маҳалларда истиқомат қилаётган 10 ёшдан 28 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилаётган «Биз — соғлом ҳаёт тарзи тарафдоримиз!» номли расмлар танлови ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, турли хил ёт ғоялар, оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, иқтидорли, ижодкор ёшларни рағбатлантириш

ва қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Ёшларнинг тиббий саводхонлиги ва билим кўникмасини янада ошириш, турли иллатлар ва хавфли касалликлардан асраш, гийёхванд моддалар истеъмолдан қайтариб чиқадиган салбий оқибатлардан огоҳ этиш ҳаракатининг асосий вазифаларидан биридир, — дейди Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши матбуот қотиби Шухрат Сатторов. — «Гийёхвандликка қарши кураш ойлиги»ни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида ишлаб чиқилган махсус режага асосан жойларда турли тадбир ва спорт-соғломлаштириш мусобақалари ташкил этилмоқда. Шунингдек, ёшлар ўртасида «Соғлом турмуш тарзи сизнинг тасаввурингизда» мавзусида расмлар танлови ҳам ўтказилаётир.

Ш. Сатторовнинг таъкидлашича, ҳаракатнинг Самарқанд ва Навоий вилоят бўлимлари томонидан «Биз ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» шиори остида бир кунлик ёшлар акцияси ўтказилди. Унда спорт мусобақалари, расмлар кўргазмаси намойиш этилди. Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари, «Ҳақиқий эркаклар ови» бадиий фильми

ҳамда драма театрида «Сиртмок» спектаклининг намойиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, гийёхвандлик касаллигига чалинган ёшларнинг ачинарли ҳаёти ва соғлом турмуш тарзи тарғиботида бағишланган «Оғусиз ҳаёт», «Покликка интил», «Мен соғломман», «Биз соғлом оиламиз», «Комилликка интиламан! Сен-чи?» каби мавзуларда тайёрланган махсус роликлар намойиш қилинмоқда. Таълим муассасаларида ташаббускор ёшлардан иборат «Соғлом турмуш тарғиботчилари» ва «Фаол қизлар» клублари ташкил этилган. Ҳафтанинг ҳар жума кунлари «Саломатлик кунини» деб эълон қилинган. Шу кунини ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ва клуб фаоллари томонидан саломатлик масалаларига бағишланган тадбирлар ташкил этилди.

Ойлик доирасида Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамоат фонди ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Ички ишлар бошқармалари, Прокуратура ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида аёллар ва қизлар ўртасида 20-25 июнь кунлари «Ўзбекистон ёшлари ва аёллари гийёхвандликка, чекишга қарши!» шиори остида спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИЧ
ДОНО БИҲУРМАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ваҳима минг кўзли девга ўхшайди.

Пушаймонга ўрин қолдирмай яшаш қандай бахт!

Сир олган сир сотади.

Лаззатнинг умри қисқа бўлади.

Отдан айрилди-ю, эгарга ёпишиб олди.

Тишининг иши оғир бўлганлиги учун тез чирийдим, тўкиладим.
Роҳат-фароғатда яшагани учун тилга бало ҳам урмайдим.

Нодоннинг кўзи очилиши учун ақли кириши керак.
Ақл эса унда ҳеч қачон бўлмайди.

Нодон ва ақл — қарама-қарши қутблар.

Дона умрини нодон билан курашиб ўтказмайди.

Бурч муҳаббатдан устун.

Болаларга қараб ота-онасига баҳо берадилар.

Ёмон тарбия учун аввало ота-она айбдор.

Ўзи тарбиясиз ота-онан тарбияли бола кутманг.

Ҳақиқат қуёшга ўхшайди — унга тик қараб бўлмайди.

Нодон тушунмайдигани эмас, тушунишни истамайди ҳам.

Шубҳа дарахтининг илдизи чуқур бўлади.

Ҳаётдан кўп нарсаси тиламаки, ози-дан ҳам маҳрум бўласан.

Жони ширин кўрқоқ бўлади.

Бир кўтарилишнинг бир тушиши ҳам бор.

Баъзи одамлар қушқўнмас ўсимлигига ўхшайди — уларга гапириб ё тегиб бўлмайди.

Андиша — номус иши.

Ҳеч нарсаси ўзидан ўзи бўлиб қолмайди.

Болалик бир умр биз билан бирга.

Яхшилик одам танламайди.

Бировнинг боғига тош отиш осон.

Қайсарлик — ақлнинг қусури.

Ҳаёт баъзиларни аяб ўтирмайди.

Тасаввур тафаккурдан олдинда юради.

Муҳаббат ўзини фидо қилади, эвазига ҳеч нарсаси талаб қилмайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Тошкент шаҳрида 22 июнь кунини ҳаво ўзгариб тургани, қисқа муддатли ёмғир ёғиш эҳтимоли мавжуд. Фарбдан секундида 5-10 метр, қучайган ҳолда 12-15 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 22 июнь кунини Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазис пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 641

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65 факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9477 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топирилди: 15.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акматали АҚРОМОВ